



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

2007 йил 29 июнь, жума № 27 (625)

«САМАВТО»:

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ САРИ




Истиқбол олий саогам!

Самарқанд автомобиль заводи — «СамАвто» жаҳон бозорида чинакам рақобатчи айланадиган бўлди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли ҳажмдаги автобус ва юк машиналари ўз техник сифати, дизайн ва хавфсизлиги, экологик меъёрига тўла жавоб бериши билан мутахассис-экспертларнинг юксак баҳосини олмакда.

Мустақиллик шарофати билан юзага келган, мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг тараққий топиши ва шу соҳани ривожлантираётган давлатлар қаторига қўшилишимизда «СамАвто»нинг ҳам муносиб улуши бор. Корхона ташкил этилгандан буйн ўтган саккиз йил мобайнида йигув цехларида 3 минг 500 тадан ортиқ тур-

ёки япон автомобилсозлари билан амалий ҳамкорликнинг афзалликлари ҳусусида



ли модификацияли автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарилди. Ана шу автомобилларнинг барчаси бугунги кунда нафақат республикамиз, балки қатор Ҳамдўстлик мамлакатларининг автомагистралларида ҳам буюқсон катмоқда. «СамАвто»нинг ихчам автобуслари, айниқса, шаҳар жамоат транспортдаги муаммоларни бартараф этиш, катнов узлуксизлигини таъминлаш,

йўловчиларга арзон ва сифатли хизмат кўрсатишда кўл келмоқда. Самарқанд автомобилларининг рақобатбардошлиги ошганлиги ҳусусида гапирадиган бўлсак, бу, аввало, хориж билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик самарасидир. Чунки «СамАвто» шу йилдан эътиборан Япониянинг дунёга машҳур «Исузу» автокомпанияси билан яқин шерикликда ишлаб боради. (Давоми 2-бетда)



«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» АВИАПАРКИ ЯНГИЛАНМОҚДА

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Эрбас Индустри» ҳаққаро консорциуми билан олтига ўрта магистрал А-320-200 самолётларини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолади.

Шартномани имзолаш маросимида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бош директори Валерий Тян авиакомпания авиопаркини янгилаш ва унификация қилиш йўлидан бораётганини таъкидлади. Бунда Фарбда ишлаб чиқарилган ҳаво кемалари ҳамда мамлакатимизнинг Ил-114-100 лайнерларини сотиб олиш кўзда тутилган. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатда Фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди ва режали равишда амалга оширилмоқда. Дастур самолётлар паркинги модернизация қилиш, хорижий лайнерларга техник хизмат кўрсатиш учун замонавий база яратиш, ер усти инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини тубдан реконструкция қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун базани шакллантиришни назарда тулади.

Ҳозирда авиакомпания хорижий кредитларни жалб қилиш ҳисобига самолёт пар-

кининг катта қисмини янгилаб бўлди. Бугун миллий авиакомпания 16 та замонавий ҳаво кемасига эга. Бу — Американинг Боинг-767-300ER ва Боинг-757-200, Европанинг А-310 ва RJ-85 самолётларидир. Улар чет мамлакатларга деярли барча рейсларни ҳамда республика ичидаги рейсларнинг бир қисмини бажармоқда. Ҳозирда уларга «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси»да ишлаб чиқарилган Ил-114-100 ўрта магистрал самолётлар ҳам қўшилди. Шу йўл билан училарнинг масофаси ва тижорий юкланиш ўртасида оптимал нисбатга, юқори ёқилги самардорлигига, қулайлик ва хавфсизликка эришилмоқда.

«Эрбас Индустри»да ишлаб чиқарилган биринчи самолёт илк бор «Тошкент» аэропортига 1993 йил 16 июнда кўнган эди. Бу миллий авиакомпаниямиз томонидан фойдаланилаётган биринчи Фарб ҳаво кемаси — А-310 эди. Шу пайтдан бошлаб Ўзбекистон авиакомпаниясининг самолётлар пар-

кини янгилаш дастури амалга оширила бошланди. Россиянинг Ил-86, Ил-62, Ту-154 кемалари тежамкор, ишончли ва қулай Фарб самолётларига алмаштирила бошланди. Ҳаёт шунини кўрсатдики, бу халқаро авиа ташувлар бозорини эгаллаш сари ташланган тўғри қадам бўлди.

Кейинги йиллар давомида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳукумат қарорати асосида берилган хорижий кредитлар ҳисобига яна иккита А-310 лайнерини харид қилди. Яқинда ўзининг 15 йиллигини нишонлаган миллий авиакомпаниямиз ўтган даврда қитъамизнинг етакчи авиаташувчилари қаторидан жой олди. Ўзбек ҳаво кемалари дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвозларни амалга оширади. 24 мамлакатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ваколатхоналари очилган, ўнлаб компания ва фирмалар у билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар қуни унлаб рейслар бажарилаётганда, ийлига 2 миллионга яқин йўловчи ташилмоқда. (Давоми 2-бетда)

Фракция йиғилиши

АҲАМИЯТГА МОЛИК ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

«Адолат» СДП фракцияси аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди ва зарур таклифлар билдирилди



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари Дилором Тошмухамедова бошқарган йиғилишда бир нечта муҳим аҳамиятга молик қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Биринчи бўлиб фракция аъзолари эътиборига Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳавола этилди. Қонун лойиҳаси юзасидан мазкур қўмита аъзоси А.Тўхтабоев маъруза қилди.

Таъкидландики, ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган бўлиб, Фу-

қаролик ҳамда Солиқ кодекслари ва бошқа бир нечта қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Жумладан, ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш уларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг юридик шахснинг тугатиш жараёнида турганлиги ҳақидаги хабари асосида амалга оширилиши белгиланган. Фракция аъзолари муҳокама жараёнида ушбу қонун лойиҳасининг аҳамиятини жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишди. Шу билан бирга, лойиҳадаги айрим айрим камчиликлар, мунозарали ўринлар ҳусусида ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам билдиришди.

Шундан сўнг кун тартибидан иккинчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгариш киритиш мақсадида»ги қонун лойиҳаси ҳамда «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Фарҳод ЭСАНОВ, «Адолат» мухбири Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун



МУҚАДДАС РАМЗИМИЗ

ҳар бир фуқарода миллий ғурур, юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлди. Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 июль кунини тасдиқлади ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Давлат герби бошқа рамзлар қатори, давлат суверенитетини намоён этувчи тимсолдир. Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган Давлат герби ҳозирги вақтда мамлакатимиз

ва халқимиз ифтихориға айланган. Зотан, унда халқимизнинг орзу-умиди, идеаллари, мақсад-муқддаси, миллий ифтихори ўз ифодасини топган. Маълумки, давлат рамзлари тарихий асосларга эга. Байроқ, герб ва бошқа давлат рамзлари қадимдан мавжуд бўлган. «Герб» сузи немисча бўлиб, шохлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатади. (Давоми 3-бетда)

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлганларида Ромитан туманидаги «Саттор-Қамол» фермер хўжалигида фермерлар билан дилдан суҳбат қилдилар. Ана шу суҳбатда мен ҳам иштирок этдим. «...Фермерлар юртимиз иқтисодини таъминлайди, унинг оғир юкига елкасини тутта оладиган қудратли кучга айланаётгани бизни қувонтиради, — деди Юртбошимиз биз билан мулоқотда. — Ҳақиқий деҳқон, аввало, ер билан тиллаша билиши, шу билан бирга, бозор иқтисодиётининг қонун ва талабларини чуқур англаб етиши лозим. Шунда у ўз олдига қўйган мақсадига эришиши мумкин...»

Юртбошимиз мен билан ҳам гаплашиб ўтириб, ишларининг боришини сўраб-сўрашди, самимий гурун қилдилар. Уша саодатманд лаҳзалар ҳамонки қалбимда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. — Деҳқончилик қилаётган ерларим — отамдан қолган

далалар, — дедим ўша кезда тўлқинланиб. — Бу ерларда оёқланган болалигим ўтган. Отам — Иброҳим Пиров узок йиллар пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилганлар. Ҳозир ўзим 119 кектар пахта майдони ва 43 гектар галлазорда деҳқончилик қилаяман. Ҳар иккисидан ҳам йилдан-йилга юқори ҳосил олаяпмиз. Даромадимиз эвазига жамоамиз иқтисодий кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Янги техникаларга эгамиз. Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик шарофати... Отамдан қолган далаларда мулкдор бўлдим... Шунда Юртбошимиз «Яша, азамат!», деб елкамга қўлларини қўйдилар. Қалбим фарахларга тўлди. «Фермерчилик ҳаракати ўзини оқламақда, — деди ушунда яна Юртбошимиз. — Ишончим комилки, яқин йиллар орасида мамлакатимизнинг забардаст фермерлари дунёнинг илгор давлатларидаги мулкдорлардан қилишмайдиган бўлади.»

Бу дангал гап. Қишлоқ мулкдорлари руҳланиб кетди. Масъулият ҳисси икки бор ошди. Масалан, ўзим раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги пахта майдонлари шу кунларда ёз чилла-

си сувига қондириб-қондириб сугорилмоқда. Ўзгаларимизнинг ривожини ахши. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар тупдан 2-3 тадан қусак, 5-6 тадан гул бор. «Ўша парваршида, зарбдор 90 кун»ни ҳосил тўпаш даврига айлантириб, парварини янада кучайтираяпмиз. Ҳар бир агротехник тадбири биланланган тавсияларда ўтказаяпмиз. Ниятимиз улуг: жорий йилда 500 тонналик «оқ олтин» хирмони яратиш!

...Такрор-такрор ўйламан: бундан ўн олти йил бурунги даврда катта-катта раҳбарларнинг оддий деҳқонлар билан шундай унутимас учрашувлари, дилгир суҳбатлари, гурунглари бўлгани? Уларнинг сўзлари ва даъвати деҳқон аҳли қалбига чўғ ташлай олганми? Ҳеч ҳам-да! Оддий деҳқоннинг мамлакат йўлбошчиси билан юзма-юз, яккама-якка очик ва дилдан суҳбат қилиб, қайноқ гурунглашиши ҳам, нафисламборини айтганда, истиқлол берган имконият.

Исомидин ПИРОВ, Шофиркон туманидаги «Талисангобод» фермер хўжалиги раиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиб



Ўзбекистон ҳафта ичида

Жиззах вилоятида Республика ҳукуматининг инвестиция дастури доирасида подлипропилен ип ишлаб чиқариладиган «Риполтек-текстил» корхонаси дастлабки махсуслотларини истеъмолчиларга етказиб бера бошлади. Италия технологияси билан жиҳозланган корхона суткасига 4 тонна тайёр махсуслот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбек миллий академик драма театрида «Матбӯт ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кунини муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда «Йилнинг энг фаол журналисти-2006» танлови ғолиблари тақдирланди.

Туркиянинг TRT телекомпанияси Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб тайёрланган ҳужжатли фильмини намойиш этди. Ушбу йирик давлат телерадиокомпания кўрсатувлари Европа, Осиё, Африка қитъаларидаги ўнлаб мамлакатлар ҳамда Австралияга узатилади.

Кармана шаҳрида бир кеча-кундузда беш тоннагача суттин қайта ишловчи йирик корхона иш бошлади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамг-

армаси ташаббуси билан Тасвирий санъат галереясида юртимизнинг етакчи мусаввирларининг бадиий қўرғазмаси ташкил этилди.

Халқ таълими вазирлиги ва Республика давлат болалар кутубхонаси сайъ-ҳаракати билан Жиззах шаҳрида мактаб ахборот-ресурс марказлари фаолиятини бошқаришни ташкил этиш масалаларига бағишлаб семинар-кенгаш ўтказилди.

Тошкентда «Марказий Осиёда телекоммуникация хизматлари даражасини ошириш учун АКТ ва кенг поласоли алоқани ривожлантириш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Гулистон шаҳрида замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Олмалик шаҳрида 3 йилдан буйн ўтказиб келинаётган «Тумарис» фестивали Тошкент вилояти босқини хохасига етди. Унда икки юздан зиёд хотин-қиз катнашди. Поштахонинидаги Алишер Навоий номли опера ва балет давлат академик катта театрида Ўзбекистон санъат усталари иштирокида маданияти ва санъати форуми» жамг-

«Адолат» газетасига 2007 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичи — 100. Газета «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг барча алоқа бўлимларида чакана савдода мавжуд.

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

Европа:

Шенген ҳудудига — 24 давлат

Жорий йилнинг охирида Шенген ҳудуди давлатлари сони яна тўққизтага кўпаяди.

Хабарларга кўра, 2007 йилнинг 31 декабрь кўни Польша, Чехия, Венгрия, Словакия, Словения, Эстония, Латвия, Литва ва Мальтани Шенген ҳудуди давлатлари билан боғлаб турадиган куруқликдаги чегараларга қўйилган барча тўсиқлар олиб ташланади. Ҳаво йўллари эса келаси йилнинг март ойида очил режалаштирилган.


Эслатиб ўтамиз, шу пайтгача 15 та давлат Шенген ҳудудига кирарди.



НАСА:

Самога энг узок сайр

Космонавт аёл қосноғида энг узок вақт бўлган аёл фазогирлар рекордларини янгилади.



НАСА агентлиги матбуот хизмати хабарига кўра, фазогир Суннига Вильямс орбитада қарийб 188 кун 4 соат бўлган. Вильямсдан олдинги натижа 1996 йил "Тинчлик" станциясида парвоз этган Шеннон Льюид томонидан қайд этилганди.

Суннига Вильямс Халқаро космик станцияга 2006 йил борт муҳандиси сифатида келган ва у бирмунча вақт олдинроқ қайтиши лозим эди. Аммо Атлантик шаттлиннинг кейинки сабабли у станцияда қолишга мажбур бўлган.

БМТ:

Дунё "кексаймоқда"

БМТ маърузасида ёзилишича, сайёраимиз аҳолиси тез суръатларда кексайиб бормоқда.

БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасига мутахассислар томонидан тақдим этилган "Кексаётган дунёнинг ривожланиши" номи маърузада ҳозирда туғилишнинг қисқариши ва умр кўриш давомийлигининг ортishi Ер юзи аҳолисининг тез фурсатда кексайишига олиб келаётгани қайд этилган. Айни пайтда дунёда қарийб 670 миллион пенсияерлар бор. Улар ҳар йили ўртача 1,2 миллионга ошиб бораётди.



Дунёнинг энг "кекса" қитъаси Европа саналади. Бироқ яқин вақтлар ичида кексалик тенденцияси бутун сайёрани эгаллаб олади ва бу жараён ривожланаётган давлатларда, кейинги ўн йилликда санаётлашган мамлакатларда бўлгани каби, тез фурсатларда амалга ошади, дейилади БМТ маърузасида. 2050 йилдан бошлаб 79 фоиз кексайган одамлар айнан ривожланаётган давлатлар ҳис-

Франция:

Наполеоннинг сўнги қиличи

Наполеоннинг қиличи 6,4 миллион долларга сотилди.



Ассошейтэд-пресс ахборот агентлиги хабарига кўра, Францияда ўтказилган аукционда император Наполеонга тегишли бўлган олтин билан нақшланган қилич 6 миллион 400 долларга сотилган. Ушбу аукцион Париждан унча узок бўлмаган Фонтеблода ўтказилган.

Қилич понасининг узунлиги унинг қайрилган қисми ва жимжимдор нақшлари билан биргаликда қарийб 1 метрни ташкил этади. Шу вақтга қадар мерос сифатида сақлаб келинган ушбу буюм лашкарбошининг шахсий коллекциясидаги энг сўнгги қилич эди.

Хитой:

Аёллар фаоллашсин

Хитой ҳукумати мамлакат бошқарува органларида аёллар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозир Хитойда аёллар давлат хизматчилари орасида 38 фоиз, тадбиркорлар ўртасида 21 фоизни ташкил этади. Губернаторлик ёки вазирлик даражасидаги ҳиссалари эса 10,3 фоизга яқин.



Хукумат аёлларга бўлган эътиборни янада кучайтириб, шароитларни яхшилаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда, — деди Умумхитой аёллар федерацияси раҳбари Гу Сюй-лянь.

Дилноза МУСАХОНОВА тайёрлади

2 июль - Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

МУҚАДДАС РАМЗИМИЗ

ҳар бир фуқарода миллий гурур, юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади

Тарихий маълумотларга кўра, бундан 2500 йил аввал Эрондан Олтойгача чўзилган улкан ҳудудда турк ҳокони Ҳуғузон ҳукмдорлик қилган. Унинг даврида туркча "тама" сўзи айнан шу маънони билдирган. XII асрнинг машҳур тарихчиси Рашидиддин Ҳамадоний ўзининг "Танланган тарихлар" номи китобида шу ҳақда гувоҳлик беради. Олимнинг ёзишича, Ҳуғузон ўз мулкларини ўғилларига улуш сифатида кичик давлатларга бўлиб, инъом этган. Ушбу давлатларнинг ҳукмдорлари ўзларининг таъмиғларига эга бўлишган. Ана шундан ҳам маълумки, "тама" сўзининг маъноси "герб" сўзининг маъносига тўла мос келади.

Давлатимиз герби гулланган водий узра чараклаб турган қуёш тасвиридан ҳамда сўл томонида очилган пахта чаноқлари суврати туширилган чамбардан иборат. Бунинг осмонимиз бегуборлиги, эл-юрт фаровонлиги, ободонлиги тимсоли. Бугдой ва пахта чамбари элимизнинг меҳнатсеварлиги, мамлакатимиз кўли гул деҳқонлар, бунёдкорлар юрти эканлигига ишоради.

Гербнинг юқори қисмида республика жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичида жойлашган ариш ой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуг рамзидир. Гербимиз марказида эса, ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди. Мазкур рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифода-лайди. Гербимиздаги ҳар бир

чирик, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор. Гербнинг пасти қисмидаги давлатимиз байроғи ни фодолаовчи уч рангдаги чамбар бандига "Ўзбекистон" сўзи битилган.

Давлатимиз рамзларини миллий гуруримиз белгиси сифатида севиш, эъзозлаш, қадр-қимматини бутун дунёга намоеън этиш ҳар биримизнинг Ватан, халқ, миллат, келажак авлод олдидаги бурчимиздир.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда гербимиз тасвири қайси биноларда ўрнатиб қўйилиши белгиланган. Қонуннинг 8-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади", деб аниқ-тиниқ кўрсатиб утилган.

Давлат герби мамлакат фуқаролари учун муқаддас рамзидир. У-юрағида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий гурур, энг муҳими, юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади. Гербимизда ифодаланган тимсоллар — Ҳумо қуши, дарёлар, қуёш, бугдой бошоқлари, пахта чаноқлари, ариш ой ва юлдуз тасвирларига сингдирилган мазмунни англаш орқали биз унинг нечоғли муқаддаслигини идрок этамиз.

Шавкат ЁҚУБОВ, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи Ахборот-ресурс маркази раҳбари

ИШЛАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

дейишмоқда андижонлик тадбиркору фермерлар

Бугун Андижонда бўлган киши вилоят қишлоқ ва туманлари кундан-кунга қишлоқ бораётганлигининг шохиди бўлади. Энг муҳими, одамларнинг мамлакат миқёсида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси вилоятда тобора буй кўрсатаётганлигини кўнгли тўқ.

Андижонликлар ишбилармон, тадбиркор, одамхон эмасми, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари, сифатли ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган хусусий корхоналар сони вилоятда кундан-кунга ортиб бораёпти. Марказдан олисда жойлашган қишлоқларда касаначилик, қорвачилик, богдорчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож олиб, аҳолининг иш билан бандлиги ортмоқда, даромадлари кўпайишига, турмуш фаровонлиги таъминланишига эришилипти.

— Яқинда Ўртбошимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида вилоятимизда бўлиб, андижонликлар тафаккурда ерга, мулкка эгаллик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, хусусан, фермерлар эришган ютуқлар ҳамда уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун бундан кейин нималар қилиш кераклиги ҳақида тавсиялар, йўл-йўриқлар бергани бизни ниятда қувонтирди, — дейди "Зокоржон саховати" фермер ҳўжалиги раиси Зокоржон Эргашев. — Айниқса, давлатимиз раҳбари ҳокимлар, банк ходимлари ва бошқа мутасаддиларга шартномани бажарган фермер ортиб қолган ҳосилига тўлалигича ўзи эгадир, деб ўқитгани руҳлантириб юборди. Бир сўз билан айтганда, бугун ишлайдиган замон келди. Негаки, мамлакатимизда фермерлиқни ривожлан-

тириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Дарҳақиқат, имкониятлардан оқилона фойдаланаётган қишлоқ мулкдорлари ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳаққон ҳис қилган ҳолда, астойдил меҳнат қилишмоқда. Белгиланган режаларни ортиги билан бажаришпти, уйлар қуриб, тўйлар қилишпти, эл-юртга фойдаланиш. Бунинг ҳаммаси, шаксиз, истиклол берган имкониятлардир. "Зокоржон саховати" фермер ҳўжалиги ҳам яқинда ана шу имкониятлардан фойдаланиб, "Микрокредитбанк"нинг "Асак" бўлимидан бурдоқчилик билан шугулланиш учун 2 миллион сўм миқдорда имтиёзли микрокредит олди.



Етилан бурдоқчилар сотилиб, иш янада кенгайтирилди, янги иш уринлар очилди.

— Бугун одамларнинг мулкка бўлган муносабати тубдан ўзгарди, — дея суҳбатга қўшилиди Марҳамат туманидаги "Баркамол меъмор" хусусий фирмаси раҳбари Нодирахон Эргашева. — Айниқса, тадбиркорлик орасидан оила тебратаман, маблаг топаман, деган кишига етарлиқ имконият яратиб берилган. Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонамизга Марҳамат туман минибанки 6 миллион сўм микрокредит ажратди. Бу маблаг звазига 25 та замонавий тикув дастохчи харид қилдик. Уйда ўтирган 25 нафар қўли гул чеварни ишга тақлиф қилиб, дастлабки 4 ойда 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Дарвоқе, "Микрокредитбанк"нинг қўллаб-қувватлаши туфайли Асакдаги "Нурли қадам" деҳқон ҳўжалиги ҳам қорамол боқиш учун 5 миллион 400 минг сўм миқдорда 2 йил муддатга микрокредит олганди. Ҳозир фермер ҳўжалиги ояига 3 тоннадан зиёд



сўт ва сўт маҳсулотлари тайёрлаб, халқ дастурхонида тортиқ қилаёпти. Банкнинг Асак бўлими раҳбари Дилшод Убайдуллаевнинг маълум қилишича эса, банк ва унинг Марҳамат туманидаги минибанки орқали микрокредитлар олиб, яхшигина даромад қилётган тадбиркорлар эндиликда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга, марказдан олисда жойлашган қишлоқларда инфратузилма тизимлари жадал ривожланишига ҳисса қўшаёпти.

Банк микрокредитлар беришда фақатгина муайян соҳани эмас, балки қишлоқларда қорвачилик, паррандачилик, мебеласозлик, аҳолига маиший ва сервис хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини қўн сайин яхшилашга боришига хизмат қилмоқда.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ, "Адолат" мухбири

АДВОКАТУРА:

"Адвокатура институтининг жамиятдаги мавқеини янада ошириш мақсадида, энг аввало, тизимда мавжуд муаммоларни ҳал этиш механизмининг ишлаб чиқиш зарур. Бу борада "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларни такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда". Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амадаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтиди ушбу икки қонун мониторингини натижаларига бағишланган давра суҳбати иштирокчиларининг хулосаси ана шундай бўлди.

Мазкур институт томонидан яқинда 30 та яқин давлат органлари, нодавлат институтлар, тадқиқот марказларида адвокатура фаолиятига оид қонунлар мониторингини ўтказилди, соҳага тааллуқли амалиётчилар ва олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди. Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятида ўтказилган суров натижаларига кўра, респондентларнинг ўртача 94 фоизи "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларни жамиятнинг демократлаштириш ва янгиллаш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш жараёнига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб бориш лозим, дея фикр билдирган. Тадбирдан қўзғалган мақсад ҳам ушбу мониторинг натижаларини атрафлича муҳокама қилиш, қонунларни амалиётда қўллаш давомидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш асосида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ва та-

сияларни ишлаб чиқиш эди. Ҳозир республикада юқорида айтиб ўтилган қонунлар билан бирга, соҳага оид 30 га яқин қонунҳои ҳужжатлар амал қилаётди. Бу, ўз навбатида, адвокатлар фаолиятида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Бироқ шундан билан ривожланаётган давр ислохотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг асосий элементларидан бири — адвокатура институтини янада ислох қилиш, кучли, мустақил

адвокатура тизимини барпо этиш заруратини тақозо этмоқда. Зеро, кейинги йилларда тизимни ислох қилиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали соҳада ечимини қўлга келтирилган муаммолар талайгина. Адвокатларнинг касб малакасини ошириш, уларнинг касб-этика қоидаларига риоя этишларини таъминлаш, адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия талабларини қучайтириш, адвокатлар томонидан қўрсатилган юридик ёрдам сифатини ошириш ва ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қатор масалалар шулар жумласидандир.

Давра суҳбатида ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган бир пайтда Ўзбекистонда мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш билан бирга, прогрессив фикрловчи қирғи адвокатларни тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига асосан: "Тергов ва суд ишлари юртишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва таъшилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатуранинг таъшик этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади".

Адвокатларнинг жамоат таъшикоти сифатида 1997 йил август ойидан буйн Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси фаолият кўрсатиб келмоқда.

"Адвокатура тўғрисида"ги қонунга ҳозирга қадар тўрт мартаба ўзгартиришлар киритилган, Улар асосан қонуннинг адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш шартларини тўғрилади, лицензияни бекор қилиш, тугатиш, адвокатларнинг пенсия таъминотида оид нормаларига тааллуқлидир.

Ҳозирга қадар Республика адиля органлари томонидан адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи 6283 та лицензия берилган. 23 та адвокатлик коллежиси, 348 та фирма ва 438 та бюро фаолият юртимоқда, уларда 3834 нафар адвокат ишлайпти.

ТАҲЛИЛ, МУАММО ВА ЕЧИМ

заурати, адвокатлик фаолиятининг мустақиллиги демократик принциплар ва қонунчиликка бўлган муносабати бевоқифа боғлиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат давлат органлари, балки адвокатура тузилмалари томонидан ҳам ҳимояланиши лозимлиги таъкидланди. Адвокатуранинг малакали ходимлар билан таъминлаш мақсадида қонунда адвокат макомига эга бўлиш учун қўйилган талабларни қучайтириш, хусусан, мутахассислиги бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган ёки муайян муддат адвокатурада стажёр, адвокат ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатган бўлиши, қолаверса, адвокатлик фаолиятини чеклашга доир нормаларни белгилаш ҳам мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Таърибли мутахассис Гун

чеҳра Маткаримова инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш кўп жиҳатдан ҳуқуқшунос кадрларнинг билим ва таърибаси ҳамда ҳолислигига боғлиқлигини айтиб ўтди.

— Ҳуқуқий ойна ва ҳуқуқий маданият бўлмаса, қонунларга риоя этиб бўлмайди, ислохотлар ҳам ижобий натижа бермайди, — деди у ўз сўзида. — Шу сабабли муаммоларни ҳал этишнинг энг асосий ва муҳим ечими ҳуқуқий таълимга эътиборни янада қучайтиришдир. Мисол учун, юртимизда адвокат бўлишни хоҳлайдиган иқтидорли талаба ёшлар кўп, лекин соҳага доир дарсликлари тўла мукаммал, деб бўлмайди.

Сўзга чиққанлар бошқа маърузачилар ҳам жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда адвокатларнинг ўрни ва роли ҳақида ҳамда ўтказилган мониторинг натижаларининг тизимли таҳлили, соҳадаги қонунларни қўллашдаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди. Иштирокчилар томонидан адвокатурага доир қонунлар ва уларни амалга тадбиқ этишнинг таъшикий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар қабул қилинди.

Бехбуд БОТНОВ, "Адолат" мухбири

АЛОҚА СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Қарши-Термиз йўналишида мамлакатимиз жанубий вилоятларини замонавий алоқа хизмати билан таъминловчи оптик ишша талаби алоқа кабели ётқизилмоқда.

Узунлиги 140 километрни ташкил этадиган мазкур линия Қашқадарё вилоятининг Қарши, Ғузор, Деҳқонобод ҳамда Сурхондарё вилоятининг шу йўналишдаги туманларида замонавий ва тезкор рақамли телефон алоқасини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур алоқа линияси ишга тушган, бу ҳудудда дунёнинг исганган нуқтаи билан қисқа вақтда боғланиш имконини берувчи АТСлар ўрнатилди.

Мутахассислар фикрича, Хитой ва Беларусь давлатларидан келтирилган оптик ишша талаби кабел алоқа қурилмаларининг тез ишлашини, абонентларга сифатли алоқа хизмати кўрсатиш таъминлайди.

— Кабел тортиш ишлари "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бююртмасига асосан вилоятдаги "4-қурилиш-монтаж бошқармаси" ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан олиб боришмоқда, — дейди Қарши-Термиз оптик талаби кабел трассаси участка бошлиги Алижон Абдурахимов. — Ҳозирга қадар Термиз-Ғузор-Қарши, Қорашан-Чак-чак йўналишида 118 километр узунлиқда алоқа кабели ётқизилди.

(ЎЗА)

